


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ИСЛОМШУНОСЛИК

Д. Махсудов

XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти

Қуръони карим мусулмонларнинг муқаддас манбаи бўлганлиги сабабли ҳам унга бўлган қизиқиш, ўрганиш, тадқиқ этиш бир неча асрлардан бери давом этиб келмоқда. Қуръонни яхши англаб олиш учун албатта, унинг изоҳи ва шарҳи – тафсирига эҳтиёж туғилади. Шарҳловчиларни бу соҳага оид илмда “муфассирлар” деб аталади. Даврлар ўтиши билан мусулмон дунёсининг ҳар хил ўлкаларида турли тафсир китоблари, айрим ҳолларда уларга ёзилган шарҳ, ҳошия ёки айрим сураларнинг изоҳлари ҳам пайдо бўлди. IX–XII асрлар орасида ислом оламида бўлиб ўтган улкан илмий ютуқлар, кашфиётлар, ислом илмлари, жумладан, тафсир соҳасининг тараққий этиши кейинги уч аср давомида қай даражада бўлганини ўрганиш ҳар томонлама аҳамиятга эга. Чунончи, тафсир соҳасидаги устоз-шогирд анъанаси, муфассирлар фаолияти, яратган тафсирлари, уларда кўтарилган масалаларга аниқлик киритиш, ўша даврни тўлиқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Айниқса, XIII асрда мўғул босқинидан кейинги илмий фаолият тадқиқи ҳам муҳим саналади. Ушбу масалаларга бевосита муфассирлар фаолияти ва уларнинг асарларига изоҳ бериш асосида аниқлик киритишни мақсад қилдик.

XIII асрдаги тафсирларда олдинги муфассирларнинг анъаналари маълум даражада давом эттирилди, айрим ҳолларда янги услублар билан бойитилди. Айни пайтда бу даврда салмоқли ҳажмдаги, ҳатто бир юз йигирма жуздан иборат тафсирлар яратилганини кўриш мумкин. Мазкур даврда муфассирлар ва улар яратган тафсирларни хронологик узвийликда ўрганиб, шу соҳага қўшган ривожини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Муфассирлар табақотига бағишланган асарларда одатда, муфассир ва унинг асарига оид қисқа маълумотлар берилади ҳамда ўз даврида тафсир илмида ном чиқарган олимлар асарлари мавжудлигидан қатъий назар зикр этилади.

Бағдодда яшаган шофеъий мазҳаби фақиҳи, усул олими, муфассир, қори, муҳаддис Абу Али Маждиддин Яҳё ибн ар-Рабиъ ибн Сулаймон ибн

Ҳироз ал-Адавий ал-Бағдодий (1134–1210) йилда Ироқнинг марказий вилоятидаги шаҳарлардан бири – Восит шаҳрида (Ҳажжож ибн Юсуф томонидан 698 йилда асос солинган) туғилиб, у ерда билим олган, кейинчалик Бағдод ва Нишопурда фиқҳ ўрганган. 1188 йилда Бағдодда қозилик қилган. 1202 йилда Бағдоддаги Низомия мадрасаси[1] да ҳам дарс берган. 1210 йилда Бағдодда вафот этган. Олим тўрт жилдлик "Тафсир ал-Қуръон" китобини ёзган бўлиб, унда оятларни бевосита шофеъийлик мазҳаби нуқтаи назаридан шарҳлаган [7: 729].

"Ибн ал-Маръа" номи билан танилган Абу Исҳоқ ибн Даҳҳок (ваф. 1214) тафсир, фиқҳ, ҳадис, калом илмида олим бўлган. Узоқ вақт Испаниянинг Мақола шаҳрида яшаган ва савдо билан шуғулланган. Кейин Абулфазл ал-Мурсий таклифига кўра Мурсия шаҳрига (бу ердан Ибн Арабий, Ибн Саййида каби олимлар етишиб чиққан) кўчиб ўтган [14].

XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаган хоразмлик фақиҳ, муфассир, наҳвшунос, тилшунос ва арузшунос олим Абулҳасан Али ибн ал-Ироқ ас-Синорий 1160 йилда Хоразмда таваллуд топган. Бир қанча илмларни ўрганган. 1220 йилда Хоразмнинг Мазонада қишлоғида вафот этган. Тафсирга оид "Шамаҳир ад-дурар фи тафсир ал-Қуръон" ("Қуръон тафсиридаги дурлар шодаси"), фиқҳга доир "Фазл ал-видоайн ал-мунтазиъ ан китаб танзиҳ аш-шариа" ("Шариат софлигини таъминлаш китоби ҳақидаги икки ажратилган келишувнинг фазилати") каби асарлари мавжуд [1: 151].

Абулжанноб Нажмиддин Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ар-Розий ал-Ҳивақий (1145–1221) сўфий, фақиҳ, муҳаддис ва муфассир олим. У Хоразмда илм олган, тариқатга оид билимларни ўрганган ва тасаввуфнинг пири комили даражасига етишган. Унинг асарлари орасида "Тафсир ал-Қуръон ал-карим" ("Қуръони карим тафсири". 12 жилд.), "Рисола ал-ҳоиим ал-хоиф мин лавма ал-лоим" ("Маломатчиларнинг маломатларидан қўрқувчи овворалар ҳақида рисола»), «Рисола ат-туруқ» («Тариқатлар ҳақида рисола»), «Фавотиҳ ал-жалол ва фавоиҳ ал-жамол» («Жалолнинг остоналари ва Жамолдан уфураётган хушбўй атирлар») кабилари мавжуд [1: 158–159]. XII–XII асрларда мусулмон дунёсида ишорий, яъни тасаввуфий қарашларга асосланган тафсирларнинг босқичма-босқич ёзилиши ривожланади. Шу нуқтаи назардан олимнинг 12 жилдли Қуръони карим тафсирида тасаввуфий ғояларнинг учраши табиийдир.

Абулқосим Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Малоҳий (1154–1222) тарихчи, муҳаддис, адиб, тафсир илми билимдони, моликий мазҳаби олими.

[1] Низомия мадрасаси – Аббосийлар даврида (750–1258) вазир Низомулмулк (1018–1190) томонидан асос солиниб, 1066 йилда ўз фаолиятини бошлаган.

1154 йилда Испаниянинг Гренада шаҳрида таваллуд топган. Унинг “Фазоил ал-Қуръон” (“Қуръон фазилатлари”), “ал-Ансоб” (“Насабнома”) ва “ал-Арбауна ҳадисан” (“Қирқ ҳадис”) асарлари мавжуд [5]. Таъкидлаш керакки, “Қуръон фазилатлари” асарида бевосита оятлар шарҳланмаса ҳам, уларда сура ва оятларга доир фазилатлар, уларнинг изоҳ ва моҳиятлари келтирилади. Шу нуқтаи назардан мазкур олимни Қуръон моҳиятини билувчи муфассир олим деб айтиш мумкин.

Жамолиддин Абдураззоқ ал-Кошоний (ваф.1330) мовароуннаҳрлик муфассир олим. Унинг “Ароис ал-баён фи ҳақоиқ ал-Қуръон” (“Қуръон ҳақиқатларини нозик баён этиш”) номли икки жилдда чоп тилган тафсир асари бўлиб, олимлар уни Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Наср аш-Шерозий ас-Сўфий Ибн ал-Арабийга (ваф. 1240) нисбат берадилар. Баъзи олимлар мазкур тафсир ҳақиқатда ҳам Ибн ал-Арабийга тегишли деб билиб, уни ўз қўли билан ёзганлигини таъкидлайдилар. Яна баъзилари эса юқорида айтилган тафсирни биз сўз юритаётган Жамолиддин Кошонийга (ваф. 1330) тааллуқли эканини айтиб, Ибн ал-Арабий маълум ва машҳур бўлгани сабабли, ушбу тафсир унга нисбат берилгани тўғрисидаги хулосаларни берадилар.

Аслида шерозлик Ибн ал-Арабий тасаввуфнинг йирик вакили бўлиб, “ваҳдат ал-вужуд” [1] масаласи унга нисбат берилади. Жамолиддин ал-Кошоний эса, мовароуннаҳрлик мутасаввиф олим бўлиб, Ибн Арабийнинг издоши саналади.

XIII асрда яшаб ижод этган самарқандлик фозил имом, дея танилган фақиҳ, муфассир, муҳаддис, мутакаллим, жадал (баҳс-мунозара) ва усул илмлари олими Ҳисомиддин Муҳаммад ибн Усмон ибн Муҳаммад ал-Улёбодийдир (XIII аср). Манбаларда унинг 1231 йилда ҳаёт бўлгани айтилади. Устозлари орасида Маждиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Устуршоний (XIII аср) зикр қилинади. Ал-Устуршоний орқали унинг устозлари силсиласи қуйидагича: ал-Устуршоний → Заҳириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий → аз-Заҳир ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғилоний → ал-Бурҳон ал-Кабир Абдулазиз ибн Умар ибн Моза → Шамс ал-аимма ас-Сарахсий → Шамс ал-аимма ал-Ҳалвоий → Абу Али ан-Насафий → Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл → ас-Субазмуний → Абу Абдуллоҳ→ Абу Ҳафс ал-Бухорий → Имом Муҳаммад → Имом Абу Ҳанифа [2: 72].

Ал-Улёбодий 1231 йилнинг ражаб ойида “Матлаъ ал-маъони ва манбаъ ал-мабоний фи тафсир ал-Қуръон” (“Қуръон тафсири ҳақидаги

[1] Ушбу ақидага кўра, Аллоҳ таоло ҳар бир жойдаги ҳар бир нарсага сингиб кетган ва борлиқ Аллоҳнинг ўзи саналади ҳамда барча динлар, ҳатто васанийлар (санампарастлар) эътиқоди ҳам дуруст дейилади.

манбалар ва дастлабки маънолар”) номли бир неча жилддан иборат тафсирни ёзишга киришган.

Абулаббос Бадриддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ибн ал-Мухтор ар-Розий (ваф. 1233) муфассир, қози, адиб, муҳаддис, ҳанафий фақиҳларидан. Райда туғилиб, шу ерда илм ўрганган. Дамашқга бориб, у ердаги жоме масжид минбарида Қуръонни тафсир қилиб берган. Китоблари орасида “Фазоил ал-Қуръон” (“Қуръон фазилатлари”), “Ҳужаж ал-Қуръон ли-жоме ал-милал ва-л-адён” (“Барча миллат ва динларга Қуръон ҳужжатлари”), “Мабоҳис ат-тафсир” (“Тафсир бўйича қарашлар”) ва “Латоиф ал-Қуръон” (“Қуръоннинг латифликлари”) машҳур бўлган [7: 65–66]. Ушбу олимнинг бошқа муфассирлардан фарқи шундаки, у Қуръон фазилатлари ва латифликлари борасида алоҳида китоб ёзган.

Муҳаққиқ ва фозил олим Жамолиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий аш-Шофеъий (ваф. 1238). Хоразмлик ушбу олим тафсирга доир “Мултақот ал-маолим фи-т-тафсир” (“Тафсирдаги белгиларнинг жамланмаси”) асарини ёзган. Муфассир олимлар ҳаёти ва ижодига бағишланган “Табақот ал-муфассирин” (“Муфассирлар табақалари”) китобида айтилишича, ал-Хоразмийнинг мазкур асари олимлар орасида қадрланади. Ҳатто кўплаб муфассирлар унга таянадилар ҳамда ундан ривоятлар келтирадилар [4: 52].

Фақиҳ, муфассир, муҳаддис ва калом илмининг улуғ устози дея танилган Ҳамидиддин аз-Зарир Али ибн Муҳаммад ибн Али Нажм ал-уламо ар-Ромиший ал-Бухорий (ваф. 1268). Мовароуннаҳр уламоларининг раиси ҳисобланган бу олим Шамс ал-аимма Муҳаммад ал-Кардарий (ваф. 1244) ва Жамолиддин Убайдуллоҳ ал-Маҳбубийлардан (ваф. 1346) фиқҳ илмини ўрганган.

Ар-Ромиший томонидан бир қанча китоблар ёзилган бўлиб, улар орасида “ал-Жоме ал-кабир” (“Катта жамловчи”) ва “ал-Манзумот ан-Насафия”нинг (“Насафий назми”) шарҳлари, “ал-Ҳидоя”нинг “ал-Фавоид” (“Фойдалар”) номли ҳошияси кабилар мавжуд [6: 1000]. “Тож ат-тарожум”да (“(Ҳанафий олимлари) таржималари борасидаги тождек китоб”) келтирилишича, ар-Ромиший 1268 йил зу-л-қаъда ойининг 8-си якшанба куни вафот этган. Унинг жанозасида 50000 атрофида одам иштирок этган ва жаноза намозини шогирди Абулбаракот ан-Насафий ўқиган [10: 46]. Ҳамидиддин аз-Зарирнинг бирор бир тафсир китоби ёзганлиги маълум бўлмаса-да, бироқ “Тафсир ан-Насафий” тафсири муаллифи Абулбаракот ан-Насафийнинг устози бўлган ушбу аллома тафсирга оид бри қатор ривоятларни шогирдларига ўргатганлиги табиий ҳол. Шу нуқтаи назарда ҳам уни муфассир олимлар қаторида санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Абулҳасан Аламиддин Али ибн Муҳаммад ибн Абдусомад ал-Ҳамадоний ас-Саховий (ваф. 1163–1245) тафсир, луғат, наҳв ва усул илмлари билимдони, шофеъий мазҳаби олими бўлган. Дамашқнинг Бану Умайя мадрасасида қирқ йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қироатдан дарс берган ва шаҳарнинг етук қориси сифатида эътироф этилган. Дамашқда вафот этган. Унинг “Тафсир ал-Қуръон ал-карим” номли тўрт жилдлик, Каҳф сурасигача ёзган тафсир асари мавжуд [7: 378]. Ушбу китобни Мусо Али Мусо ал-Мақсуд ва Ашраф Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Қасослар таҳқиқ қилиб, баъзи изоҳларни бериб нашр этганлар [3].

Абулманоқиб Шиҳобиддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Бахтиёр аз-Зинжоний (1177–1258) Озарбайжонда туғилган, шофеъий мазҳаби вакили бўлган форс олими. Бағдодда яшаб, қозилик қилган, кейин Низомия ва Мансурия мадрасаларида дарс берган. 1258 йилда Хулогу Бағдодни эгаллаган пайтда қатл этилган. Унинг “Тафсир ал-Қуръон”, “Тарвих ал-арвоҳ фи таҳзиб ас-сиҳоҳ” (“ас-Сиҳоҳни саралашда руҳларни руҳлантириш” номли асарлари ал-Жавҳарий “ас-Сиҳоҳи”ининг қисқартмаси саналади) асарлари мавжудлиги манбаларда айтилган. “Тарвиҳ ал-арвоҳ фи таҳзиб ас-сиҳоҳ” номли асари ал-Жавҳарий “ас-Сиҳоҳи”ининг қисқартмаси саналади [9].

Сирожиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулмажид ал-Қарнабий аз-Зоҳидий (ваф. 1258) улуғ имом, ҳофиз, муфассир, муфтий, воиз, чуқур тадқиқ ва таҳқиқ этувчи олим бўлган [4: 52]. Олимлар аз-Зоҳидий шаънини юксак қадрлаб, ҳатто унинг замонасида у билан ҳанафий мазҳабининг буюк илмий салоҳияти якун топган, ҳам дейишган. У Бухорода Шамс ал-аимма ал-Кардарийдан (ваф. 1244) таълим олган ва ўзи ҳам кўплаб илм толибларига сабоқ берган. Жумладан, “ал-Қуня” (“Жамланма”) асари муаллифи Мухтор аз-Зоҳидий (ваф. 1260) ва Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг (тав. 1069) фиқҳ илмига оид “ал-Манзума ан-Насафия” китобининг “ал-Ҳақоиқ ал-манзума” (“Назм ҳақиқатлари”) номли шарҳи муаллифи Маҳмуд ал-Афшанжий (тав. 1272) каби олимлар ундан илм олганлар [2: 191]. Сирожиддин аз-Зоҳидий Бухорода 1258 йил рамазон ойида вафот этган ва Калободдаги “Жаннат” қабристонида дафн этилган [6: 55–56]. Ушбу олим муфассирлар қаторида саналади, бироқ тафсир китоби ёзганлиги ҳақида маълумот берилмаган.

Абу Муҳаммад Иззиддин Абдуразоқ ибн Разақаллоҳ ибн Абу Бакр ибн Халфа ар-Расъаний (ваф. 1263) муфассир, ҳадис ҳофизи, адиб, шоир, ҳанбалий мазҳаби фақиҳларидан. У Суриянинг Туркия билан чегерадош ҳудудидаги Ҳаска вилоятидаги Роъсулайн деган шаҳрида туғилган ва бу ерда Абулмажд Муҳаммад ал-Қазвиний (тав. 1225) ва бошқа олимлардан таълим олган. Кейинчалик Бағдод, Дамашқ ва Ҳалабда илм ўрганган,

Суриянинг Мосул шаҳридаги Дор ал-ҳадис мадрасасида бош мударрис вазифасида ишлаган. “Румуз ал-кунуз фи тафсир ал-Китоб ал-азиз” (“Азиз Китоб тафсирига оид хазина рамзлари”) номли тафсирга оид тўрт жилдли китоб ёзган. Ушбу тафсир қимматли асарлардан бири саналади. Чунки унда тафсирнинг энг яхши услуби қўлланган: оятларни шарҳлашда Қуръон, қироат, ҳадислар, саҳоба ва тобеъинлар ва мужтаҳид имомлар сўзларидан фойдаланилган. Шунингдек, сабаби нузул, араб тили қоидалари, ҳадисларнинг Росулуллоҳгача бўлган санади келтирилган. Асар аҳли сунна ва-л-жамоа ақидаси, ҳанбалийлик мазҳабига асосан ёзилган, унда тасаввуфий қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, Нисо сураси 29-оятидаги “Ўз нафсларингизни ўлдирмангиз”ни гуноҳлар ила ўзларингизни ўлдирманг”, шу суранинг 43-оятидаги “Маст ҳолда намозга яқинлашманг”ни “дунё муҳаббатидан маст ҳолда намозга яқинлашманг” деган шарҳларини келтиради [14: 70–71].

Ҳожи Халифа (тав. 1608-1658) олимнинг тафсирга доир “Матолиъ анвор ат-танзил ва мафотиҳ асрор ат-таъвил” (“Қуръон нурларининг чиқиш ва таъвил сирларининг очилиш жойи”) номли бошқа китоби ҳам борлигини айтади. Ушбу тафсир катта, салмоқли китоб эканини, уни машҳур мисрлик олим Жалолиддин ас-Суютий саралаб, ихлачамлаштирганини айтади [7: 452].

Абулмаҳомид Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Довуд ал-Луълуий ал-Афшанжий ал-Бухорий (1230–1272) етук фақиҳ, муҳаддис, муфассир, мутакаллим, адиб, усулшунос олим бўлган. У Бухорода 1230 йилда туғилган. 1272 йилда мўғулларнинг Бухорога қилган босқини пайтида қатл этилган [1: 65]. “Ал-Жавоҳир ал-музиа” (“Ёритувчи жавҳар”) асарида айтилишича, унинг жасади қатл этилганлар орасида топилмай қолган [6: 450].

Абулмаҳомид ал-Афшанжий калом ва жадал [1] илмларида моҳир бўлган. Ал-Марғинонийнинг шогирди бурҳонул ислом аз-Заранжарий (1036–1118) [4: 54], бундан ташқари, Сирожиддин Муҳаммад ибн Аҳмад, Бадриддин Хоҳарзода Муҳаммад ибн Маҳмуд (ваф. 651/1253), Ҳамидиддин Али аз-Зарир (тав. 1267–1268) каби буюк устозлардан таълим олган. “Ал-Манзума ан-Насафия”ни (“Насафий назми”) шарҳлаб, “Ҳақоиқ ал-манзума” (“Назм ҳақиқатлари”) асарини ёзган. Мазкур асар кўплаб олимларнинг эътиборига тушиб, мутолаа қилинадиган манбага айланган [2: 191–192].

[1] Жадал илми – илм ал-хилофнинг асоси, мантиқ илмининг бир қисми бўлиб, диний илмларда фойдаланилади. Уни мунозара илми дейиш ҳам мумкин, бироқ илму ал-жадал хосроқ тушунчадир. Ибн Халдун уни мунозара илми деб, фиқҳий мазҳаблар ўртасида содир бўлишини таъкидлайди. Унда раддия бериш ва қабул қилиш имконияти кенг саналади ҳамда далил келтириш ва жавоб бериш одобларини ўргатади.

Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қуртубий (ваф. 1273) етук муфассир, моликий мазҳаби фақиҳи, муҳаддиси сифатида танилган. Унинг асарлари орасида “ал-Жоме ли-аҳком ал-Қуръон” (“Қуръон ҳукмларини жамловчи”), “ат-Тазкира фи аҳвол ал-мавта ва умур ал-охира” (“Ўликлар ва охират ҳақида эслатма”), “ал-Эълом бимаъ фи дин ан-насоро мин ал-мафосид ва-л-авҳам важтиҳор маҳосин дин ал-ислам” (“Насронийликдаги ботил ва ваҳималарни билдириш ҳамда Исломдаги яхшиликларини кўрсатиш”), “ал-Муқтабас фи шарҳ Муватто Молик ибн Анас” (“Молик ибн Анаснинг Муваттоси шарҳида ўрганилган нарсалар”) каби асарларни санаб ўтиш мумкин [11].

Абу Абдуллоҳ ал-Қуртубий ўз тафсирини ёзишда бир нечта йирик муфассирлардан таъсирланган ва уларнинг асарларидан унумли фойдаланган. Жумладан, машҳур муфассир Ибн Жарир ат-Табарийдан (839–923) нақлий тафсирларни, Абулҳасан ал-Мовардий (тав. 1058), Абу Жаъфар ан-Нуҳоснинг (тав. 950) “Эъроб ал-Қуръон” (“Қуръон эъроблари” (сўзларнинг охирги ҳаракатлари) ва “Маъони ал-Қуръон” (“Қуръон маънолари”) китобларидан, шунингдек, Ибн Атиянинг (1088–1147) “ал-Муҳаррар ал-важиз фи-т-тафсир” (“Тафсир борасида қисқа ёзилган китоб”)идан нақлий тафсир, қироат, луғат, наҳв, балоғат, фиқҳ, аҳком, Абу Бакр Ибн ал-Арабийнинг “Аҳком ал-Қуръон”идан ҳукмий мисолларни кўплаб келтиради. Ҳатто Ибн ал-Арабийга қарши чиққан фақиҳ ва олимларга раддиялар беради.

Ал-Қуртубий тафсиридан ҳам бир қанча олимлар китоб ёзишда фойдаланганлар. Улар қаторида Ибн Касир (тав. 1373) “Тафсир”и, Абу Ҳайён ал-Андалусий (ваф. 1344) “ал-Баҳр ал-муҳит” (“Катта денгиз”), Муҳаммад аш-Шавконий (1760–1835) “Фатҳ ал-қодир”да (“Қодир Зотнинг илҳомлари”) истифода этганлигини айтиш мумкин.

Имом аз-Заҳабий (1915–1975) олимнинг илмий салоҳияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “У кўплаб фанларда етакчи, ўткир илм қарашли олим бўлиб, унинг асарлари жуда фойдали ва улар китоб эгасининг ақли ва фазли кучлилигидан далолат беради. Унинг фаолияти Мағриб ва Испаниядаги муваҳҳидийлар даврида (1120–1270) бўлган “илмий ҳаракат”га тўғри келган” [11].

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Иброҳим ибн Базиза ат-Тунисий (1209–1275) моликий мазҳаби фақиҳи, ашъарий таълимоти вакили, тунислик сўфий, тафсир, ҳадис адабиёт ва шеъриятда машҳур олим бўлган. Унинг ақидага оид “ал-Исъод фи шарҳ ал-иршод” (“Иршоднинг Исъод номли шарҳи”, 1246 йилда ёзилган), фиққа оид “Шарҳ ат-Талқин” (“Талқиннинг шарҳи”), наҳвга оид Маҳмуд аз-Замахшарийнинг (1075–1144) “ал-Муфассал”и шарҳи, “Ғоят ал-амал фи шарҳ ал-Жумал”

(аз-Зажжожийнинг “ал-Жумал”и шарҳи), Қуръон таъвилларига оид “Минҳож ал-ориф” (“Ориф кишининг маслак-йўли”), шунингдек, аз-Замахшарий ва Ибн Атия тафсирларини жамлаган “Тафсир ал-Қуръон” каби асарлари мавжуд.

Абулаббос Аҳмад ибн Юсуф ал-Кавоший (ваф. 1194–1281) тафсир олими, қори, шофеъий фақиҳи. Суриянинг Мосул шаҳридаги Кавоша қалъасида дунёга келган. Имом аз-Заҳабий қолдирган маълумотга кўра, у тақво, зуҳд, тўғрилик, ижтиҳодий масалаларда тенги йўқ олим. Уни ўша даврнинг султони зиёрат қилиб турган, ўз навбатида олим бошқаларга эътибор қаратмаган. Алломанинг Қуръон тафсирига оид “Табсира ал-мутазаккир ва тазкират ал-мутабассир” (“Зикр қилувчининг кўриши ва кўрувчининг зикри”) китоби мавжуд. Муфассир китобда эъроб қоидаларини ўта яхши тарзда берган, вақф турларини таҳрирлаб, бир нусхадан Макка, Мадина ва Қуддусга юборган. Жалолиддин ас-Суютий (ваф. 1505) ва унинг устози Жалолиддин ал-Маҳаллий (ваф. 1459) ушбу китобдан “ал-Вожиз”, “Тафсир ал-Байзовий”, “Тафсир Ибн Касир” каби тафсирлар билан бир қаторда фойдаланган. “Кашф аз-зунун” (“Гумонларни ечиш”)да муаллиф Ҳожи Халифа ушбу тафсирни бир жилд қилиб қисқартирган. Бундан ташқари, ал-Кавошийнинг тафсирга доир яна бир “Кашф ал-ҳақоиқ” (“Ҳақиқатларни очиш”) номли тафсири мавжуд “Тафсир ал-Кавоший” номи билан машҳур бўлган [8: 83–84].

Нуриддин Абдураҳмон ибн Умар ал-Басрий ал-Абдалаёний (1227–1285) ироқлик, ҳанбалий мазҳаби фақиҳи, муфассир олим. Басра яқинидаги Абдалая қишлоғида туғилган, улғайгач, Басрада илм ўрганган, Мансурия мадрасасида дарс ҳам берган. Бағдодда вафот этган ҳамда Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 855) мақбараси олдида дафн этилган. Унинг “Жоме ал-улум фи тафсири Китобиллаҳ ал-Ҳай ал-Қайюум” (“Ҳай ва Қайюм бўлган Аллоҳ Китоби тафсирида илмларни жамловчи”), “ал-Ҳави фи-л-фиқҳ” (“Фиқҳни жамловчи”), “аш-Шофеъ фи-л-мазҳаб” (“Мазҳабда даволовчидек китоб”) каби асарлари бугунгача етиб келган [13].

“Ал-бурҳон ан-Насафий” номи билан машҳур бўлган, муҳаддис, муфассир, мутакаллим, ҳаким, усул олими, фозил имом саналган Абулфазоил Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий. Тахминан, 1203 йилда таваллуд топган. Илм ал-хилофга оид “ал-Муқаддима фи-л-хилаф” (“Хилоф-қиёсий ҳуқуқшунослик илмига кириш”) ва “Талхис ат-тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир қисқартмаси”) асарлари мавжуд. Муҳаммад ан-Насафий Фахриддин ар-Розий қаламига мансуб бўлган тафсирни қисқартириб, ихчамлаштирган. Ушбу китобни “Мухтасар ат-тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир мухтасар-қисқартмаси”), деб ҳам номлашади [6: 351]. Унинг яна “ал-Фусул фи-л-жадал” (“Жадал илми

боблари”), “Матлаъ ас-саодат” (“Саодат гулшани”), “Шарҳ ал-ишорот ли-Ибн Сино фи-л-мантиқ ва-л-ҳикма” (“Ибн Синонинг мантиқ ва ҳикматга оид ишоралар асарининг шарҳи”), “Шарҳ ар-рисола ал-қудсия биадиллатиҳ ал-бурҳония ли-л-Ғаззолий” (“Ғаззолийнинг равшан далилларига эга муқаддас рисола асарига шарҳ”), “Шарҳ манша ан-назар фи-л-мантиқ” (“Мантиқ илмида нуқтаи назарнинг шаклланиши масаласига шарҳ”), “Шарҳ қистос ал-мизан фи-л-мантиқ” (“Мантиқ илмидаги энг адолатли мезон асарига шарҳ”) каби асарлари ҳам мавжуд [1: 363].

Абулфазоил ал-Ҳанафий 1285 йилда Имом ал-Барзолийга унинг илм бериши учун ижозат берган. Маълум бир муддат ўтиб, Боғдодга борган ва 1289 йилнинг зу-л-ҳижжа ойида шу ерда вафот этган. Имом аз-Заҳабий ал-Фавтийдан ривоят қилиб, уни қиёсий ҳуқуқшунослик ва фалсафада замонасининг ўта тақводор олимларидан эди ҳамда у 1289 йилда вафот этган, дейди [4: 65]. Бироқ Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун” асарида у 1144 йилда вафот этган Абу Ҳафс Умар ан-Насафий деб қайд этилган [2: 240]. Абдулҳай ал-Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-баҳия” (“Ёрқин фойдалар”) асарида эса унинг илми каломга оид китобини “ал-Ақоид ан-Насафия” (“ан-Насафий ақида матнлари”) номи билан машҳур бўлганини, уни ат-Тафтазоний шарҳлагани таъкидланган [2: 240].

Абдулҳай ал-Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-баҳия” (“Ёрқин фойдалар”) асарида унинг вафоти 1290 йил деб берилади [2: 191–192]. “Имом аз-Заҳабий эса, унинг вафотини 1286 дейди. Муаррих олимлардан ал-Ёфеъий, ибн ал-Имод ҳам худди шу маълумотни ривоят қиладилар. Лекин 1289 йилда вафот этгани тўғрисидаги маълумот тўғрироқдир ва аксарият манбаларда шу сана кўрсатилган. Ироқнинг Бағдод шаҳри Хайзрон қабристонида, Абу Ҳанифа мақбараси қуббаси остида дафн этилган” [6: 351].

Абулфазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Ҳофизиддин ал-Кабир ал-Бухорий 1218 йилда Бухорода туғилган. У бир қанча илмлар соҳиби, улуғ шайх сифатида танилган. Ундан Ҳисомиддин Ҳусайн ас-Сиғноқий (ваф. 1310), Аҳмад ибн Асъад ал-Харифъаний, Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий (ваф. 1329), Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1230–1272), Шамсиддин Маҳмуд ал-Калободий ал-Фарзийлар илм олганлар. Муҳйиддин Абулқодир ал-Қураший (ваф. 1374) “ал-Жавоҳир ал-музиъа” (“Ёритувчи жавҳар”)да ёзилишича, у Шамс ал-аимма ал-Кардарий таълим олган. 1294 йил шаъбон ойида вафот этган ва Бухоронинг Калободида отаси олдида дафн этилган. Али ал-Қорий (ваф. 1606) уни имом, раббоний илмларини билувчи олим, зоҳид, тақводор обид, турли илмларни ўзида жамлаган фақиҳ, мударрис, фозил, қози, етук муҳаддис, нозик муфассир, дея сифатлайди [6: 337].

Кўриниб турганидек, XIII аср ҳам тафсир илмида самарали давр бўлди дейиш мумкин. Шу маънода мақолада 20 дан зиёд муфассирлар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Тўғри, мўғуллар 1220 йилда Мовароуннаҳр ва Хуросонни, Хулогу 1258 йилда Бағдод халифалигини йиқитиши билан ислом илмлари тараққиётига ҳам катта зарба берди. Бироқ Мовароуннаҳрда 9 та, Испания ва Шимолий Африкада 4 та, Ироқ ва Шомда 4 та, Хуросонда 2 та ва бошқа ҳудларда яна бир нечта муфассирларнинг фаолият олиб борганлиги, мусулмон дунёсида бир неча асрлар мобайнида яшаб келаётган илмий муҳит, шу жумладан, тафсир илми ҳам давом этгани ва ривож топганидан далолат беради. Айниқса, Мовароуннаҳрда мўғул ҳукмронлиги бўлишига қарамай, илм-фан тараққий этган, Шимолий Африка ва Испанияда илмий ҳаёт янги ҳукмрон сулолалар таъсирида тобора ривожланган. Масаланинг эътиборни тортадиган яна бир томони шундаки, санаб ўтилган муфассирларнинг 10 дан зиёди ҳанафий мазҳабига, 2 та шофеъий ва 2 та моликий мазҳабига, қолганлари эса ҳанбалий мазҳабига мансубдирлар. Бу ҳам ўз навбатида, муфассирларнинг ўз мазҳаблари доирасида тафсир илми билан чуқур шуғулланганлигига ишора қилади. Мазкур даврда ал-Қуртубий, Ибн Даҳҳок, ал-Малоҳий, ат-Тунисий, ал-Кавоший, ар-Расъаний, аз-Зинжоний каби етук муфассирлар олимлар етишиб чиқди ва улкан асарлари кейинги давр тафсир илми тараққиётига муҳим ҳисса қўшди, бугунги кунда ҳам аҳли илм томонидан катта аҳамият билан ўқиладиган китоблардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъад. Ўрта Осиё олимлари қомуси / З.И.Мунавваров таҳрири остида. Тошкент, 2007.
2. Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. Қозон, 1903.
3. Абулҳасан ас-Саховий. Тафсир ал-Қуръон ал-карим / Таҳқиқ ва таълиқ: Мусо Али Мусо ал-Мақсуд ва Ашраф Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Қасос. Байрут, 2009.
4. Аҳмад ал-Аднавий. Табақот ал-муфассирин / Таҳқиқ: Сулаймон ибн Солиҳ ал-Хазий. Ал-Мадина ал-мунаввара, 1997.
5. Иззиддин ар-Расъаний. Румузул кунуз фи тафсирил Китабил азиз / Дироса ва таҳқиқ: Абдулмалик ибн Абдуллоҳ ибн Дуҳайш. 2008.
6. Муҳйиддин Абу-л-Қодир ал-Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафия / Таҳқиқ: Доктор Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳулув. Ж.3. Қоҳира, 1989.

7. Одил Нувайҳиз. Мўъжамул муфассирин мин садрил ислам ҳаттал асрил ҳозир. Учинчи нашр. Ж. І. Байрут.
8. Самарқандлик алломалар / Нашрга тайёрловчилар: Ш.Зиёдов, Қ.Маҳмудов. Самарқанд, 2019.
9. Тож ат-торжум. Ас-Суютий. Табақот ал-муфассирин. URL: https://ar.wikipedia.org/wiki/محمود_ابن_أحمد_الزنجاني
10. Шамсиддин ад-Довудий. Табақот ал-муфассирин. Байрут, 2002.
11. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун / URL: https://ar.wikipedia.org/wiki/شمس_الدين_القرطبي
12. URL: https://ar.wikipedia.org/wiki/شمس_الدين_القرطبي
13. URL: https://ar.wikipedia.org/wiki/عبد_الرحمن_العبدلياني
14. URL: https://ar.wikipedia.org/wiki/ابن_دهماق
15. URL: https://ar.wikipedia.org/wiki/محمد_ابن_عبد_الواحد_الملاحي

Д. Махсудов

XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти

IX–XII асрларда барча илмлар каби тафсир илми ҳам ривожланган эди. Бу ҳолат XIII асрда ҳам давом этди. Шу нуқтаи назардан мазкур даврда бу соҳадаги устоз-шогирд анъанаси, муфассирлар фаолияти, уларнинг тафсирлари ва бу китобларда кўтарилган масалаларга аниқлик киритиш, ўша даврни тўлиқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Айниқса, XIII асрда мўғул босқинидан кейин илмий фаолият тақдирини тадқиқ қилиш ҳам муҳим саналади. Таъкидлаш жоизки, бу даврда аввалги муфассирлар анъаналари давом эттирилиб, янги услублар билан бойитилган салмоқли тафсирлар яратилди. Ҳатто айрим тафсирлар бир юз йигирма жуздан иборат тарзда ёзилди.

XIII асрда ёзилган тафсирларда айни шу ҳолатни кузатиш мумкин. Шу маънода ислом оламида тафсир илми қай даражада ривож топганини билиш ҳам кун тартибидаги масалани янада кенгроқ тушунишда катта ёрдам беради. Шундай экан, XIII асрда мусулмон дунёсида қандай муфассирлар бўлгани, улар томонидан ёзилган тафсир китобларининг аҳамиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Мақолада XIII асрда ислом оламида фаолият олиб борган муфассирлар ва уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида тафсир илмининг ривожи очиб берилган, 20дан зиёд муфассир ҳаёти ёритилган бўлиб, улардан ўндан зиёди ҳанафий, тўрттаси шофеъий ва моликий, қолганлари эса ҳанбалий мазҳабига мансуб эканлиги аниқланди. Бу ўз навбатида,

муфассирларнинг мазҳаблари доирасида тафсир илми билан чуқур шуғулланганини кўрсатди. Умуман олганда, мазкур даврда ал-Қуртубий, ал-Кавоший, ар-Расъаний, аз-Зинжоний каби етук муфассир олимлар етишиб чиқдики, уларнинг асарлари бугунги кунгача ҳам аҳли илм томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилинмоқди.

Калит сўзлар: *тафсир, муфассир, мўғул, наҳв, ҳадис, фиқҳ, имом, аруз, усул илми, қози, адиб, ҳанафий, шофеъий, моликий, ҳанбалий, ал-Қуртубий, ал-Кавоший.*

Д. Махсудов

Развитие науки *тафсир* в исламском мире и деятельность ученых муфассиров в XIII веке

В IX-XII веках наука *тафсир* также была развита, как и все остальные науки. Это развитие продолжилось и в XIII веке. Потому что в *тафсирах* того времени традиция комментирования Корана, в определённой степени, передавалась от предыдущих к последующим поколениям и даже в некоторых случаях зарождались новые методы. Это видно из произведений, написанных в XIII в. Хотя научный прогресс в этот период не был таким высоким, как раньше, но всё-таки, значительные комментарии были написаны и в то время. Даже появились сто двадцати томные комментарии Корана.

Основываясь на написанных *тафсирах* и деятельности *муфассиров* XIII в., можно более глубже понять развитие науки *тафсир* в исламском мире, а также узнать научную среду того времени. Считаем целесообразным изучить какие *муфассиры* были в то время в мусульманском мире и значение книг *тафсиров,* написанных этими учеными.

В данном статье расскрыты сведения об ученых *муфассирах* XIII века, а также развитие науки *тафсир* в исламском мире в результате усилий этих ученых. В результате освещена жизнь более 20 *муфассиров*. Более 10 из них принадлежат школе Ханафи, 4 – школам Шафи'и и Малики, а остальные – школе Ханбали. Это, в свою очередь, показывает что *муфассиры* в рамках своего *мазхаба* глубоко изучали науку *тафсир*. В целом, в этот период появились такие великие комментаторы-*муфассиры*, как аль-Куртуби, аль-Каваши, ар-Расани, аль-Зинджани, чьи работы до сих пор читаются с большим интересом деятелями науки.

Ключевые слова: *тафсир, муфассир (комментатор Корана), монгол, нахв (синтаксис), хадис, имам, аруз (часть науки прозы), усулу илм, кази, адиб, ханафи, шафеъи, малики, ханбали, аль-Куртуби, аль-Каваши.*

D. Makhsudov

Mufassirs of the 12th century and their contributions to the development of the science of tafsir

The science of tafsir rapidly developed during the 9th and 12th centuries. This development even continued in the 13th century. Therefore, the study of tafsir science of this period, as well as the post-Mongol conquest period, is important in order to understand the development of the science of tafsir. It should be noted that during this period the science of tafsir developed new methods of inquiry and methodologies based on previous works. Some of the tafsirs written during this period contained more 120 volumes, which became a distinguishing feature of tafsirs of this period. Therefore, the study of mufassirs and their works who were active in the 13th century is worthwhile for a number of reasons.

This article is dedicated to the study of mufassir scholars of the 13th century, who played an important role in the development of the science of tafsir in the Islamic world. The article highlights the lives and works of more than 20 mufassir scholars, among whom 10 belonged to the Hanafi school, 4 belonged the Shafi'i and Maliki schools, and the rest represented the Hanbali school. Among the prominent mufassirs of this period were al-Qurtubi, al-Kavashi, ar-Ras'ani, and al-Zinjani, whose works are still read with great interest by scholars.

Keywords: *tafsir, mufassir, Mongol conquest, nahv, hadith, imam, aruz, usul al-ilm, qazi, adib, Hanafi, Shafi'i, Maliki, Hanbali, al-Qurtubiy, al-Kavashi.*